

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ГЕОГРАФИЯ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг  
илмий-амалий конференцияси  
материаллари

Тошкент, 26-27 март 2014 йил

Тошкент - 2014

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ГЕОГРАФИЯ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг  
илмий-амалий конференцияси  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тошкент, 26-27 март 2014 йил

Тошкент-2014

## АРИД ХУДУДЛАРДА СУҒОРМАСДАН БОҒ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

Қориев М.Р., Б. Камалов  
Наманган давлат университети

Республикамиз аҳолисининг сон жихатидан ўсиб бориши сабабли экин майдонларининг бир қисми турар жойларга айлантирилмоқда. Оқибатда экин майдонлари бироз бўлса ҳам камайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган талаб эса йил сайин ортиб бормоқда.

Профессор П. Баратовнинг [1] маълумоти бўйича Ўзбекистон худудида суғоришга яроқли бўлган 18 млн га ердан сув ресурсларининг чеклангани боис 5 млн гектаридангина деҳқончиликда фойдаланилмоқда. Шу сабабли сув тақчил худудларда деҳқончиликда сувни тежаш ўта муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелда «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда 2013-2017 йиллар давомида томчилатиб суғориладиган боғ, узумзор, сабзавот ва полиз майдонларини 25000 гектарга етказиш режалаштирилган.

Бу масалада Наманган Давлат Университети география ва экология асослари кафедрасида олиб борилаётган помидор, булғор қалампири ва бақлажондан арид худудларида суғормасдан ҳосил олишнинг ижобий натижаларини [2] ҳисобга олиб, 2013 йилда Уйчи туманининг шимолий адир худудларида тупроқда йиғилган нам ҳисобига боғ барпо этиш имкониятини аниқлаш бўйича тажриба ўтказилди.

Бунинг учун 0,05 га ермайдонини ажратиш олдиқ ва унга сув кирмас-лиги чора-тадбирларини кўрдик. Бу худудга 22 март куни 10 туп ўрик кўчатлари, 29 марткуни 5 туп олма ва 1 туп шафтоли кўчатларини ўтказдик. Шу кунгек ҳар бир кўчат тана сиатрофини (кўчат танасидан 80 см радиусда) тупроқдаги намликнинг буғланишига йўл қўймаслик учун доира шаклида целлофан билан қоплаб чиқдик. Целлофан остида тупроқ ҳарорати ортиб кетишининг олдини олиш учун, унинг устини 3-5 см қалинликда тупроқ билан қўйиб қўйдик.

1-жадвал

Фенологик кузатиш натижалари

| Кўчат номи                        | Ўрик            | Шафтоли                  | Олма                     |
|-----------------------------------|-----------------|--------------------------|--------------------------|
| Экиш                              | 22-март.2013-й. | 29-март.2013-й.          | 29-март.2013-й.          |
| 1-гул                             | 2-апрел.2013й.  |                          |                          |
| Қийғос гуллаш                     | 5- апрел.2013й. |                          |                          |
| 1-барг ёзиш                       | 2- апрел.2013й. | 5- апрел.2013й.          | 5- апрел.2013й.          |
| Қийғос барг ёзиш                  | 5- апрел.2013й. | 10-апрел<br>апрел.2013й. | 10-апрел<br>апрел.2013й. |
| Барг тўкилиши                     | 7.10-26.11      | 29.10-10.11              | 5.10-26.10               |
| Кўчат баландлиги<br>(см)Экилганда | 100-80          | 50                       | 60-80                    |
| Охирида                           | 100-150         | 80                       | 100-110                  |



Атмосфера ёғинларини тўплаш ва тупроқ намлигини ошириш мақсадида кўчатлар танаси атрофини қопланган целлофан чегараси бўйлаб, айлана шаклида 30 см чуқурликда ариқча ковлаб чиқдик. Экилатган ўрик кўчати атрофини целлофан билан ўраш ва шу кўчатнинг вегетация даври охиридаги кўриниши 1-2 расмларда берилган.



1-расм



2-расм

Кўчатларнинг ўсиши ва ривожланишини экилган кундан бошлаб вегетация охиригача кузатиб бордик. Кузатиш натижалари 1-жадвалда жамланган.

Наманган метеорологик станцияси маълумотлари бўйича 2013 йил баҳор ойлари нисбатан серёғин, ёз ва куз ойларида эса ёғин қарийб ёғмаган (2-жадвал).

2-жадвал

Наманган метеостанциясида 2013-йилда ойлик ёғин миқдори

| Ойлар | Апрел | Май  | Июн | Июл | Август | Сентябр | Октябр |
|-------|-------|------|-----|-----|--------|---------|--------|
| (мм)  | 13,8  | 30,8 | 8,6 | 1,6 | 1,4    | 2,0     | 7,1    |

Жадваллар маълумотлари кўрсатишича, кўчатлар вегетация даврини суғорилмаса ҳам яхши ўтказган. 1-гули, қийғос гуллаш, барг ёзиш, вегетация даври охирида барг тўкилиши давлари ўсиб турган дарахтлар вегетацияси-дан фарқ қилмади. Кўчатларнинг ўсиши 20-50 см бўлиб, суғорилгандагидан кам бўлмади. Ҳаво ҳарорати ўта иссиқ бўлган кунларда, кўчатлар барги бир оз сўлишгандай бўлди. Аммо, кечга яқин яна тикланди. Июнь-октябрь ой-ларида ёғиннинг жуда кам бўлишига қарамасдан, кўчатларнинг ҳолати яхши бўлганлиги ушбу усул ёрдамида боғдорчиликни сув тақчил ҳудудларда ҳам ривожлантириш мумкинлигини кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.-264 б.

2. Камалов Б.А., Абдурахманов С.Т. О возможности производства продукции сельского хозяйства без орошения в аридных условиях // Узбекский

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АСПЕКТЛАРИ**

Мўминов У.М., Мўминов М., Мамадалиева Ш.  
Наманган давлат университети

Мева-сабзавотчилик қуйи мажмуаси маҳсулотлари экспортининг кенгайиши кўп жиҳатдан қуйи мажмуанинг фаолиятига, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига, уларнинг сифати, турлари ва жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришига бевосита боғлиқ. Айни вақтда қуйи мажмуанинг муваффақиятли ривожланиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Шу ўринда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик қуйи мажмуаси қуйидаги рақобат афзалликларига эга:

- ҳўл мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш имкониятини берувчи табиий-иқлим шароитлари;

- мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражаси, хусусан экологик тозалигини таъминловчи ер ресурсларининг мавжудлиги;

- малакаси ва интизоми нисбатан юқори бўлгани ҳолда ишчи кучининг арзонлиги;

- илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражасининг юқорилиги;

- нисбатан инфратузилманинг ривожланганлиги (транспорт коммуникацияси, электрлаштириш).

Экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини оширишни тез суръатлар ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси Ўзбекистонда муваффақиятли қўлланилиши мумкин бўлган қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- ривожланаётган мамлакатларда мева-сабзавотчилик қуйи мажмуаси экспортини диверсификациялашганлиги: бир ёки икки маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашув мақбул эмас, хусусан халқаро рақобат шароитида энг паст харажатлар билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланиш мақсадга мувофиқ. Муваффақият, энг аввало, илғор технологияларни жорий этиш, маҳаллий таълимни тўғри йўлга қўйиш, илмий-тадқиқотчилик имкониятларига кенг йўл очиш ва рағбатлантиришга асосланади.

- ички бозорни босқичма-босқич ривожлантириш экспортни диверсификациялашда муваффақиятни таъминлайди. Бирор бир мамлакат фақат экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланиб экспортга йўналтирилган тармоқни ривожлантирмаган. Шу сабабли экспортни нафақат ташқи бозор асосида диверсификациялаш, балки ички бозор ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва унга

|                                                                                                                                                                                                        |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <i>Эшқувватов Б.Б., Эргашов Ў.</i> .....                                                                                                                                                               | 128 |
| <b>ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ<br/>РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ.</b>                                                                                                          |     |
| <i>Навотова Д.И., Шоймардонова Д.З.</i> .....                                                                                                                                                          | 130 |
| <b>ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИР-<br/>КОРЛИКДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ<br/>ЖИХАТЛАРИ.</b> <i>Ибрагимов Л.З., Каримов Н.Қ.</i> .....                                         | 132 |
| <b>ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ<br/>ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.</b> <i>Алтибаева М., Хидиралиев К., Қорабоев Б.</i> .....                                                                      | 134 |
| <b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ<br/>ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ.</b> <i>У.М.Мўминов, М.Мўминов,<br/>М.Тожиёв.</i> .....                                                                       | 137 |
| <b>QASHQADARYO VILOYATIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY<br/>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH.</b> <i>Saidov A., Ibraimova A.</i> .....                                                                         | 138 |
| <b>АРИД ХУДУДЛАРДА СУФОРМАСДАН БОҒ БАРПО ЭТИШ<br/>БЎЙИЧА ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ.</b> <i>Қориев М.Р., Б. Камалов</i> .....                                                                                  | 140 |
| <b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШ-<br/>ЛИГИНИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АСПЕКТЛАРИ.</b> <i>Мўминов У.,<br/>Мўминов М., Мамадалиева Ш.</i> .....                                                      | 142 |
| <b>ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚ-<br/>ЛАРИ ТАРКИБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.</b><br><i>Х.Ҳ.Жумаев</i> .....                                                                          | 143 |
| <b>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА<br/>БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАН-<br/>ТИРИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.</b> <i>М.Махмудова, А.Қозоқов<br/>М.Абдуллаева Х.Усманова.</i> ..... | 145 |
| <b>ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЕР УСТИ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ<br/>ШАҲАРЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ.</b> <i>Мирзаалиев А, Қурбонов П.</i> ..                                                                             | 149 |
| <b>ҚАРШИ МАГИСТРАЛ КАНАЛИ ИРРИГАЦИОН ТИЗИМИНИНГ<br/>ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ.</b><br><i>Назаров Х Т., Юсупова К.</i> .....                                                            | 150 |
| <b>ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ<br/>ЖАРЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ<br/>РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ.</b><br><i>Д.Р.Рўзметов, Г.Г.Йўлдошева</i> .....                     | 152 |
| <b>НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ<br/>ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ.</b> <i>Саипов У</i> .....                                                                                                        | 154 |
| <b>ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ<br/>ГЕОГРАФИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.</b> <i>Хидиралиев К.Э., Умаралиев О.Р,<br/>Кенжабоева Ю.</i> .....                                                         | 157 |
| <b>АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИХАТЛАРИ.</b> <i>Г.Т.<br/>Умарова</i> .....                                                                                                                             | 159 |
| <b>САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ<br/>ХУСУСИЯТЛАРИ.</b> <i>Шербоев Ш., Сатторов М.</i> .....                                                                                                | 161 |
| <b>ШАҲАР МАНЗИЛГОҲЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА СУВ<br/>РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ (Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари</b>                                                                                                  |     |